Ушбу сонда:

2 — Меҳнат муҳофазаси: ЭСКИРГАН ДАСТГОҲЛАР *бахтсиз ҳодисалар сабабчиси*

3 — ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

4 — Сиз кутган учрашув: САОДАТ ОПА КУЙЛАГАНДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 феврал, сешанба №21 (1035)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ОНА ВА БОЛА» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2001 йил Ўзбекистон Республикасида «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Она ва бола» давлат дастури тасдиқлансин. «Она ва бола» давлат дастури тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар ҳамда бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Давлат дастурининг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисоблансин:

дастурда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларига, «Соғлом авлод» дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойиҳалар ва тадбирларнинг бундан буён амалга оширилиши, тўлиқ тугалланишига эришилиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш ёрдамида амалда тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда она ва болани парвариш қилиш тизимини яратиш;

ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;

энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастури қоидалари асосида ҳамда минтақа ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсинлар, уларда аниқ чора-тадбирларни ва бажарилиш муддатларини назарда тутсинлар ҳамда уларнинг амалга оширилишини қаттиқ назорат остига олсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари:

тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз муддатларида сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларининг бажарилишини кўриб чиқсинлар;

йилнинг ҳар чораги якунларига кўра ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган дастурий топшириқларнинг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

5. «Она ва бола» давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси ҳамда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибиятлари ва «Соғлом авлод учун» Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тузилмалари Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари «Она ва бола» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 5 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига жавобан

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маънавий-маърифий соҳаларда иш олиб бориш, уларни соғломлаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масалалари муҳим ўрин тутиб келмоқда. Зеро, Республика касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III-курултойида бу долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур дастурга биноан касаба уюшмалари ёшларни иш билан таъминлаш кафолатларини амалга ошириш, минтақавий ёшлар дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг маҳаллий органлар томонидан маблағ билан таъминланишига эришиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашнинг давлат тизимини ривожлантиришга ёрдамлашиш, болалар, ўсмирлар ва ўқувчи ёшларни соғломлаштириш, дам олдиришни ташкил қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишда қатнашиш каби қатор вазифаларни ўз олдиларига қўйган эдилар.

Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳам ёшлар ҳаракатининг устувор йўналишлари хусусида батафсил фикр юритилди. Улар орасида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, чет элларга ўқишга ва ишга юбориш вазифалари муҳим қилиб қўйилган. Бу эса касаба уюшмаларига бевосита алоқадор йўналишлардир.

Айни пайтда касаба уюшмалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан касб-ҳунар таълими соҳасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш борасида ҳам самарали иш олиб боряпти. Шунингдек, Олий Мажлиснинг тегишли қўмитаси билан ҳамкорликда «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳririни тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Маданий-маърифий соҳаларда ҳам бир мунча ютуқлар қўлга киритилди. Касаба уюшмалари тизимида 441 та маданият саройи ва клублар мавжуд бўлиб, уларда 1294 та тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда. Авиасозлар, темир йўл, машинасозлик ва металлургия саноати тармоқлари ҳамда «Қизилқумкамёбметаллотин» концерни қошидаги маданият саройларида ҳар йили ёшлар билан турли мавзуларда маданий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказиб келинаётир.

Ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика кўрик-танлови ўтказилган эди. Жорий йилда эса оилавий ансамбллар кўрик-танлови режалаштирилган. Маданий-маърифий тадбирларга 20 миллион сўмга яқин маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Касаба уюшмалари тизимидаги кутубхоналар сони 366 тани, улардаги китоб жамғармаси 3 миллионни, Курортлар бошқармасига қарашли барча санаторийларнинг кутубхоналаридаги китоблар жамғармаси эса 46450 тани ташкил этади.

Асосий вазифалардан бири республикада жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишдир. Ўзбекистон касаба уюшмалари қошида 103 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, 8 таси Республика спорт мактабларидир. Уларда жами 34 мингга яқин ўсмир ёшлар шуғулланиб келмоқда.

Болалар, ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари кейинги йилларда юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз шуҳратини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида бу эзгу ишлар учун 58 миллион 698 минг сўм маблағ сарфланган. Ҳар йили Республика спорт қўмитаси билан ҳамкорликда «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйини, «Жасорат-Ирода-Ғалаба» Республика спартакиадаси ўтказиб келинмоқда. Галдаги ушбу тадбирларга касаба уюшмалари томонидан 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Жорий йилда Республика халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Олимпиада умидлари», Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан «Баркамол авлод» спорт мусобақалари, шунингдек, тармоқлараро минифутбол Республика турнири, «Саломатлик», «Алпомиш» «Барчиной» тест мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган.

А.СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлим мудири.

ЭНДИГИ МАРРА - ИРЛАНДИЯ

24-25 феврал кунлари енгил атлетика бўйича Ирландияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида саралаш мусобақаларида яхши натижаларга эришган 16 нафар ўзбекистонлик спортчи иштирок этади. Саралаш мусобақалари пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилди.

4 километрлик масофага югуришда чирчиқлик Иван Кибирев ғалаба қозонди. Тошкентлик Замира Амирова эса саккиз километр масофага югуриш бўйича ғолиб, деб топилди. Шунингдек, яна икки нафар тошкентлик спортчи - Ирина Матросова ва Аъзам Алиев 8 ва 12 километрлик масофага югуришда муваффақият қозонди. Шу масофаларга югуриш бўйича иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаган спортчилар ҳам Ирландияга бориш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎзА).

Мамлакатимизда қўшма корхоналар фаолияти учун яратиб берилаётган имтиёзлар ўз самарасини бермоқда. Натижада янги иш ўринлари яратилмоқда, энг муҳими ишлаб чиқарилган харидорбоп маҳсулотлар хорижга ҳам сотилмоқда.

«Лечива-Фармсаноат» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси хусусида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Бундан уч йил муқаддам иш бошлаган корхона мижозларини бугун чет элларда ҳам учратиш мумкин. Хусусан, ўтган йили қариийб 1 миллион 450 минг долларлик маҳсулотлар хорижга сотилди. Яқиндан бошлаб эса бинт ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Суратда: қўшма корхона цехларидан бирида.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

БЕЖИРИМ, СИФАТЛИ

Учкўприк туманида «УзХАН Ко. ЛТД» - ўзбек-корейс компанияси иш бошлади. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонани ёш тадбиркор Ҳасанжон Охунжонов асосан ўзининг шахсий сармояси ҳисобига тиклади. Корхона Жанубий Корея, Германия, Чехия ва Россия сингари мамлакатлардан келтирилган замонавий тўқув ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди.

Корхона мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «ДЭУ текстайл», «Кабул Текстайл», «Папфен» сингари замонавий тўқимачилик корхоналари маҳсулотидан бежирим ва сифатли трикотаж тайёрламоқда. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми Россия ва Украинага сотилмоқда. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати минг тонна трикотаж матони ташкил этади. Айни кунда бу ердаги тўқув, тикув ва бўяш цехларида юз нафарга яқин қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, уларнинг сафи кун сайин ортиб бормоқда. Яқин кунларда яна 600 дан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлади.

Айни кунда корхона мутахассислари ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш режаси устида иш олиб бормоқда. Бу соҳадаги ишлар ниҳоясига етса, ишчи-хизматчилар сони уч минг кишидан ошади.

- Мамлакатингиз етарли миқдордаги пахта хом ашёсига эга. Фақат замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва технология керак, - дейди «УзХАН Ко. ЛТД» компаниясининг ҳамкори ва маслаҳатчиси жаноб Пак Санг Кук. - Шу боис ҳамкорлик алоқаларимизнинг кейинги босқичида 50 та тўқув ва мингта замонавий тикув машиналари олиб келиш кўзда тутилган.

(ЎзА).

«Ишонч»га жавоб берадилар

«МАКТАБИМГА АЧИНАМАН»

Газетамизнинг шу йил 12 январ сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Шеробод туманидаги 42-ўрта мактаб сиртдан қараганда бинойидек, лекин унинг ҳудуди айланиб кўрилганда, синган ойналар ўрнига фанер қоқилгани, поллар чириганлиги, ўқувчилар жисмоний тарбия билан шуғулланадиган майдонча ахлатхонага айлангани каби нохуш ҳолатлар танқид остига олинган эди.

Таҳририят газетанинг ушбу чиқиши бўйича жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

Мақола туман ҳокимлигида халқ таълими бўлими ва мактаб раҳбарлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун тозалик ва ободонлаштириш ўн кунлиги ўтказилиб, ҳашар йўли билан мактаб ҳовлиси тозаланди. Синф хоналарининг ромлари таъмирланиб, янги ойналар ўрнатилди. Шунингдек, бино томлари ҳам тузатилди. Ҳозирда иссиқлик тармоғи ишлаб турибди.

Мактаб раҳбарлари зиммасига таълим-тарбия жараёнини кучайтириш, мактабнинг моддий техник базасини бойитиш юзасидан тегишли вазифалар юкланди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда ёзги мавсумда мактаб биносини тўлиқ таъмирлаш режаси тузилди.

А.ЧОРИЕВ,
Шеробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ИШСИЗЛИК

муаммосининг ечими қаерда?

Ижтимоий ҳимоя қирралари

Ишсиз қолиш инсон учун жуда кўп ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлардан бебаҳра қолиш демакдир. Шунинг учун аҳолини доимий иш билан таъминлаш мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Буни Булунғур тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туман азалдан кенг иқтисодий имкониятларга эга бўлган ҳудудлар сирасига киради. Аммо бозор муносабатларига ўтиш жараёнида қатор муаммолар ҳам вужудга келди. Айрим корхоналар рақобатга бардош беролмай синди. Баъзиларида иш ҳажми камайди. Бунинг оқибатида бир қанча одамлар ишсиз қолишди. Хўш, уларнинг аҳволи не кечади? Мазкур масала бўйича туманда қандай чора-тадбирлар белгиланди, нима ишлар амалга оширилди?

— Ушбу масала диққат марказимизда турибди, - дейди Булунғур туман ҳокимиятининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Раҳмон Шодиёров. - Ўтган йили эса бизга мурожаат қилган кишиларнинг уч мингдан зиёдроғи ишга жойлаштирилди. Касби, мутахассислигига мос иш топилмаганларга ишсизлик мақоми берилди. Бундан ташқари 124 киши қайта ўқитилиб, янги касб эгаси бўлди. 411 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Одатдаги вазиятларда мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштириш жиддий ташвиш туғдирмайди. Аммо шундай тоифалар борки, уларнинг масаласини ҳал қилиш махсус ёндашувни талаб этади. Яъни жазо муддатини ўтаб қайтганлар, биринчи марта иш излаётганлар, ногиронлар, мажбурий даволаниб келганлар, кўп болалилар меҳнат бозорида рақобат қила олишмайди. Шунинг учун «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга асосан туманимиз ҳокими қабул қилган қарорга мувофиқ ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож шахслар учун алоҳида иш жойлари белгиланган. Шунга кўра 23 та корхона ва хўжаликларда 600 дан зиёд имтиёзли иш ўринлари бўлиб, уларга 519 нафар фуқаро жойлаштирилди.

Шу билан бирга жойларда юқоридаги қонун ва Меҳнат Кодекси талаблари бажарилиши ходимларимиз томонидан мунтазам равишда назорат қилинмоқда. Мазкур қонунлар талабини бузиб, ишга қабул қилишни асоссиз рад этгани учун ўтган йили 9 масъул раҳбарга маъмурий чора кўрилди.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилишда бўш иш ўринлари ярамаркаси катта аҳамиятга эга. Бултур ўтказилган икки ярмаркада 147 киши ўзига иш топди. Фаолиятимизнинг асосий ва муҳим йўналиши янги иш ўринлари ташкил қилишдир. Шу мақсадда ўтган йили 11,7 миллион сўм мақсадли кредит берилди. Шу ҳисобдан «Бешариқ» агрофирмасида, «Дилафруз-2», «Хидирназар», «Нигина», «Кафолат» хусусий фирмаларида, «Нуржаҳон», «Раббим», «Озодбек» фермер хўжаликларида 100 дан ортиқ доимий иш ўринлари очилди.

Эндиликда биз туман ҳокимлиги билан биргаликда ишсизликнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқаяпмиз. Бунда, иқтисодий ночорлашаётган корхоналар ишчилари учун олдиндан бошқа иш таклиф қилиш имконияти пайдо бўлади.

Мухбир мулоҳазаси: Булунғур тумани, зикр этиб ўтганимиздек, жуда катта иқтисодий имкониятларга эга. Бу ерда кўплаб консерва ва шароб ишлаб чиқариш корхоналари бор. Уларнинг маҳсулотларига Европада, айниқса Россияда талаб катта. Аммо негадир бу ердаги корхоналар иши барқарорлашмаяпти. Сабаб нимада: маҳсулот сифати пастми, технология эскирдими? Бу саволлар албатта мутахассислар ва туман раҳбарларига ҳавола. Биз эса корхоналар тўла қувват билан ишлашини, минглаб иш ўринлари қайта очилишини, сифатли маҳсулот эвазига кўпроқ даромад олиниб, турмуш янада фаровонлашишини истаймиз, холос.

Р.РУСТАМОВ.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ИШЛОВЧИ АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Куни кеча Поп туманидаги «Ўзбекистон Ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати» ҳиссадорлик жамиятида 2000 йил жамоа шартномаларининг бажарилиши ва 2001 йил учун жамоа шартномаларини қабул қилиш бўйича жамият аъзоларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унда меҳнаткашларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимоясига бўлган эътибор йил сайин ортиб бораётгани таъкидланиб, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан жамоамизда меҳнат қилаётган 700 нафардан зиёд аёллар ва уларнинг фарзандларига яратилажак имтиёзларни янада кенг қамровли бўлишига алоҳида аҳамият берилди.

Жумладан, сиҳатгоҳларга йўлланмалар харид қилиш учун катта миқдордаги маблағ, Наврўз умумхалқ байрами, Қурувчилар куни, Мустақиллик байрамларини нишонлаш, спорт мусобақалари ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш, пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 3 миллион сўм, «Офтобча» болалар оромгоҳини таъмирлаш ва болаларнинг мароқли дам олиши, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга 8 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 миллион, жамият ходимларига йилда бир марта соғлиқларини тиклаш учун энг кам иш ҳақи миқдорида моддий кўмак бериб борилиши режалаштирилди. Бунинг учун 5 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан ташқари, жамоа аъзоларининг мазмунли дам олишлари масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ҳар чорак якунида Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Қарши ва бошқа шаҳарларга саёҳатлар уюштириш билан боғлиқ харажатлар 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Амалдаги йил учун қабул қилинган жамоа шартнома мажбуриятларида айниқса, оналар ва болаларга енгиллик, имтиёзлар бериш масаласи диққат марказида бўлди. Масалан, ишловчи аёлларга фарзанд кўрганида 15000 сўм миқдорида бир йўла бериладиган суюнчи сифатидаги моддий ёрдам, 16 ёшгача икки ёки ундан ортиқ боласи бор аёлларга 3 кундан кам бўлмаган иш ҳақи тўланадиган таътил, 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бор аёлларга ҳар ойда корхонада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида ёрдам пули, ҳомиладорликнинг 5-ойидан бошлаб таътил бериш, 16 ёшгача 3 ва ундан ортиқ боласи бор аёлларнинг маоши сақланган ҳолда иш вақтини бир соатга қисқартириш каби имтиёзлар киритилгани шулар жумласидандир.

Яна бир масала хусусида тўхталиш жоиз. Яъни, ўтган йил учун тузилган жамоа шартномалари бандлари асосан бажарилди. Лекин жамият аъзолари меҳнатига ҳақ тўлашда узилишларга йўл қўйилганини тан олишимиз керак. Жорий йилда бу камчиликнинг такрорланмаслигига ҳаракат қиламиз.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан юқорида баён этилган имтиёзлардан ташқари комбинат хотин-қизлари ўртасида турли мусобақалар ўтказилади. Хусусан, «Балли қизлар» кўрик-танловлари ташкил этилади. Ўйлаймизки, шу каби тадбирлар ҳар бир ишчи ва хизматчининг маънавиятини бойитишга хизмат қилади ва эзгулик сари етаклайди.

Т.УМАРОВ,
комбинат касаба уюшма қўмитаси раиси.



Қуйи Чирчиқ тумани Қорғонча қишлоғида 600 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Айни пайтда, бу ерда 9-синф маълумотига эга бўлган 200 нафардан ортиқ ўғил-қизлар таълим олишмоқда. Коллежда автомобилсозлик... точилангарлик, тикувчилик, ҳисобчилик, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш касблари бўйича дарслар олиб борилаяпти. Шу билан бирга 100 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ошхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт заллари ўқувчилар ихтиёрида.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Меҳнат муҳофазаси

Жойларда меҳнат кишисига қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, экологик соғлом муҳитни таъминлаш вазифаси меҳнат муҳофазаси нозирлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилди.

ЭСКИРГАН ДАСТГОҲЛАР

бахтсиз ҳодисалар сабабчиси

Ўтган йил давомида меҳнат техник нозирлари томонидан 123 та хўжалик юритувчи субъектларда амалдаги қонун талаблари қандай бажарилаётгани ўрганиб чиқилди.

Текшириш жараёни фақат бир томонлама бўлиб қолмасдан, балки корхоналарга яқиндан амалий ёрдам ҳам кўрсатилди. Бунинг натижасида 2947 та меҳнат хавфсизлигига доир тадбирлар ижроси таъминланди.

Асосий эътибор ишлаб чиқариш жамоаларида хотин-қизлар меҳнати, улар ҳаёти учун хавф солиши эҳтимол тутилган дастгоҳ ва ускуналарни таъмирлаш ёки янгиларига алмаштириш масалаларига қаратилди.

Йил давомида 13 та дастгоҳ, 7 устахона фаолияти камчиликлар бартараф этилгунча тўхтатиб қўйилди. Мирзачўл туманидаги «Абай» хўжалиги марказий устахонаси, Пахтакор туманидаги «Оқ булоқ» хўжалиги пайвандлаш бўлими, Дўстлик туманидаги «Манас» хўжалиги токарлик цехи, 1-ғалла қабул қилиш пункти, Жиззах шаҳридаги 12-ёғочсозлик корхонаси ёғоч кесиш дастгоҳлари ана шулар сирасига киради.

Бу меҳнат жамоаларида масъул шахслар ўз вазифаларига масъулият билан ёндошмаганлар, лоқайдлик қилишган. Ваҳоланки, бундай эътиборсизлик турли хил кутилмаган бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам.

Масалан, Зафаробод туманидаги К.Турсунбоев номли хўжалик раиси К.Оразалиев, бош муҳандис Е.Мамбетов, Бахмал туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси С.Алибоевлар ўз жамоасида хавфсиз меҳнат шароити ярата олмагани, экологик қонун-қоидаларни кўпол тарзда бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиндилар.

Бахтсиз ҳодисалар сабабли турли кўринишда жабр кўрганларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, уларга ўз вақтида тегишли қонуний маблағларнинг ажратилишини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари техник нозирлари аралашуви билан меҳнат муҳофазаси йўналишида жабрланганлар оиласига 6 миллион 321 минг сўм товон пули ундириб берилди.

Меҳнат муҳофазасига оид масалалар вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда тармоқ қўмиталари йиғилишларига киритилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда ва ижроси таъминланяпти.

Ўтган йилнинг март ойида Жиззах политехника олий билимгоҳи қошида вилоят меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда иш жойларини аттестациядан ўтказишга мўлжалланган махсус кўчма лаборатория ташкил этдик. 20 дан ортиқ корхонада иш жойлари аттестациядан ўтказилиши натижасида 500 нафардан зиёд ишчининг меҳнат шароити яхшиланишига эришилди.

Жойларда тузилаётган жамоа шартномаларининг меҳнат муҳофазасига оид бандлари тўкис бўлиши учун ҳаракат қилинмоқда. Ана шунинг натижасида вилоятимиз бўйича техника хавфсизлигига сал кам 41 миллион сўм сарфланган бўлса, ундан 16,5 миллион сўмдан кўпроғи жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилди.

Амалга ошираётган ишларимиз самараси ўлароқ вилоят ишлаб чиқариш корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг бир қадар камайишига эришдик.

«Оналар ва болалар йили»да ўз фаолиятимизни белгиланган режа асосида ташкил этиб, фаолият кўрсатаётган оналарнинг меҳнат муҳофазасини янада яхшилаш юзасидан бир қатор амалий тадбирларни амалга оширяпмиз.

Р.САНГИЛОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бош техник нозири.

Касаба уюшма тармоқ қўмиталарида

ТАРБИЯДА ҚЎШ ҚАНОТ

Тошкент вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида туман ва шаҳар, олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус билим масканлари касаба уюшма қўмиталари раислари учун амалий-ўқув семинари ташкил этилди. «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат Дастури талаблари асосида касаба уюшмаси туман, шаҳар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қўмиталари фаолиятини олиб бориш» мавзуига бағишланган ушбу анжуманда асосий эътибор миллий мафкура ва маънавиятни шакллантиришда касаба уюшма ташкилотлари ўрни ва амалий ишларига қаратилди. Хусусан ёшларни қадриятларимиз, ватанпарварлик, она юртга садоқат руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда хорижий касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўрнатилган амалий ҳамкорлик алоқалари, унинг тажриба алмашув асосида фаолият доирасини кенгайтираётганлигининг ижобий таъсири ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Педагог ходимлар, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда айниқса, Чирчиқ шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси фаолияти диққатга сазовордир. Шаҳар қўмитаси 25 та мактаб, 35 та болалар боғчаси, 17 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, спорт мактаблари атрофига бирлашган 4 мингга яқин аъзони мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олган. Уларнинг муҳофазасида жамоа шартномалари асосий негиз сифатида рол ўйнамоқда.

Шу боис тадбир иштирокчилари Чирчиқ шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитасининг иш тажрибасини ўрганиш мақсадида қўмитада ҳам бўлдилар.

Шунингдек, ижтимоий шерикчилик тамойиллари, касаба уюшма ташкилотларида маънавият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, оммавий тадбирларни ўтказиш борасида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар, истак-таклифлар билдирилди.

Ўқув семинарида Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, ҳудуддаги барча туман ва шаҳар касаба уюшма қўмиталари вакиллари иштирок этдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Пахтаобод тумани «Пахтакор» матлубот-савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида жами 31 та савдо дўкони мавжуд. Уларнинг барчасида «Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғинининг 31 минг 700 нафар аҳолисига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Тизимдаги барча дўконлар қайта таъмирдан чиқарилган. Шунингдек, жамиятга қарашли иккита макарон цехида кунига 2 тоннадан 4 тоннагача беш хил турдаги макарон маҳсулотлари, 10 та нновойхонада эса иссиқ обинон ишлаб чиқарилаяпти.

Суратда: ҳиссадорлик жамиятига қарашли Ёлғизбоғ қишлоғи марказидаги нновойхона новвойи Ҳасанбой Жўраев.

Шуҳрат ОЛИМОВ, (ЎзА) олган сурат.

Эътирозли хат бекордан-бекорга ёзилмайди. Айниқса, талабчан инсон ўз шахсий манфаатинигина назарда тутмай, балки жамиятимизда рўй бераётган баъзи камчилик-қусурларни йўқотиш, унинг қайта такрорланмаслигини истаб, куюниб қўлига қалам олади.

УСТАМА ТЎЛОВЛАР УНДИРИЛДИ

ёки меҳнаткашлар аризалари билан ишлаш тажрибасидан

Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасига йўлланган ёзма ва оғзаки мурожаатлар ҳам юқоридагидек эзгу мақсаддан мустасно эмас. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги пайтларда қўмитага тушаётган ариза, шикоят ва мурожаатномалар ижтимоий мазмун касб эта бошлади. Бунга энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган фуқароларнинг ариза ва мурожаатномалари тўғрисидаги Қонун талабларини жойларда атрофлича тушунтиришга ҳаракат этилаётганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Гап шундаки, кенг меҳнаткашлар оммаси манфаатларидан келиб чиқиб амалиётга мўлжалланган Фармон, Қарор ёхуд Қонун мақсад-моҳияти фуқаролар онгига сингдирилмас экан, улар қоғоздан ҳаётга кўчиши қийин. Вилоят тармоқ қўмитаси ана шундай йўлни танлаб янглишмади. Ўтган йили ташкил этилган бешта семинардан кўзланган мақсад ҳам шу эди. Уларда тиббиёт профилактика муассасаларининг кадрлар бўлими раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси раислари, шифохоналар, сиҳатгоҳлар бош ҳакимлари иштироки таъминланди. Аксарият муаммоли масалаларни ўша жойнинг ўзида ҳал этиш ёки тегишли тавсия, маслаҳатлар берилишига эришиш учун вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг етакчи мутахассислари таклиф этилгани айни муддао бўлди. Шу ва шунга ўхшаш тадбирлар самараси ўлароқ ўтган йили ишчи-хизматчиларни ғайриқонуний ишдан бўшатиш ёки бошқа вазифаларга ўтказиш ҳолатлари бурноғи йилга нисбатан анча кам юз берганлиги қайд этилди. Хусусан, ойлик маош ва мукофот пуллари 2,2, ишдан нотўғри бўшатиш 2,5, меҳнат жараёнларида содир этилган бахтсиз ҳодисаларга нафақа тўловлари муаммолари юзасидан олинган шикоятлар 6 баравар камайди.

Лекин бешта бармоқ баравар бўлмаганидек, айрим тиббиёт профилактика муассасалари раҳбарлари, ҳисобхона ходимлари ва кадрлар бўлими мутахассислари меҳнат ва уни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар талабларини тўла англаб етмайдилар. Бунинг оқибатида баъзи ходимлар беморларга малакали хизмат кўрсатиш ўрнига идорама-идора юриб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, овораи сарсон бўлмоқдалар. Шикоят ва мурожаатномаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кейинги ойларда ходимлар ўз мурожаатларида аёллар ва ёшларнинг иш шароитини яхшилаш, сиҳатгоҳ, оромгоҳларга йўлланмаларни холис, адолатли тақатиш, иш вақти ва дам олишни эҳтиёж, талаблардан келиб чиқиб ташкил қилиш, қўшимча рағбатлантириш каби муҳим масалаларни кўтармоқдалар.

— Шофиркон туманидан йўлланган шикоят хатнинг мазмуни ойлик маошларга белгиланган устама тўлов тўланмаётгани хусусида эди, - дейди вилоят тармоқ қўмитаси раиси Ш.Султонов. - Хатни текшириш юзасидан тузилган гуруҳ аъзолари хулосасига кўра шикоятчилар ҳақ бўлиб чиқдилар. Натижада мазкур тумандаги қишлоқ тиббиёт шохобчаларида ишлаётган 92 нафар ходимнинг ҳар бири ойлик маошига уч ойлик ҳисобидан сал кам 5 минг сўмдан, жами 1 миллион 352,5 минг сўмлик устама тўловлари амалга оширилди. Ғиждувон тумани санитария-эпидемиология маркази ҳисобчиси Ражаб Қурбоновга эса автоҳалокат оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун 144 минг сўмлик бир марта тўланадиган тўлов ва ойига 9500 сўмдан нафақа тўланишига эришилди. Ёки яна бошқа бир мисол: бизга мурожаат этган вилоят тери-таносил касалликлари диспансери собиқ санитария техниги Мадиёр Худоёровга индексация ҳисобидан ҳар ойига қўшимча 872 сўм, Қоракўл тумани дезинфекция станцияси собиқ ишчиси Нурдида Вафинага ҳар ойлигига қўшимча 1274 сўмдан, кейинги беш ой учун эса 6370 сўм товон пули ундириб берилди...

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин гап унда эмас — буғдойда деганларидек, қўмитанинг турли ташкилот, органлар билан кенгашиб, яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатаётгани биринчидан, ҳақли эътирозларни ўз жойида тезроқ ҳал этиш, иккинчидан, инсон тақдирига масъулият ҳисси билан қараш натижаси ўлароқ касаба уюшмаларига одамлар ишончининг янада ортиб боришига омил бўляпти.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЭҲТИЁЖ ҚОНДИРИЛДИ

Мустақиллик йилларида Сўхда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Натижада меҳнаткашларнинг бу соҳадага эҳтиёжини қондиришда туман вилоят кўрсаткичидан анча илгарилаб кетди.

Ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида ҳам бу ерда катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Жумладан, энг муҳими,туманда ишсизлар сонининг тобора камаяётганидир. Вилоят, туман ҳокимликлари саъй-ҳаракати билан фақат ўтган йилнинг ўзида 1118 та ишчи ўринлари ташкил этилди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада яхшиланиши назарда тутилган тадбирлар мажмуаси амалга оширила бошланди. Унга кўра, айниқса хотин-қизларга кўпроқ янги иш жойлари яратиб берилиши керак.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЖОНГА-ЖОН ШИФОКОРЛАР

Таҳририятга хат

Қизимиз Тошкентдаги Беҳбудий номли 125-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Сарвиноз Эронова йиқилиб, қўли қаттиқ шикастланганди. У аъло баҳоларга ўқир, мусиқа билан шуғулланарди. Дастлаб касалхонада гипсга солишди. Бироқ, саъй-ҳаракатлар кўнгилдагидек бўлмади. Баъзи шифокорлар: қизчангизни тузатиш қийин, уни Москвага олиб бориб даволаш керак, деган фикрни ҳам айтишди. Кўргилик экан, фарзандим икки йил жуда қийналди.

Охири ТошМИ шифохонасининг тегишли бўлимига ётқизилди. Медицина фанлари доктори Шаҳоб Ҳамраев қизчамизнинг нотўғри битган қўлини операция йўли билан даволашга муваффақ бўлди. Орадан муайян вақт ўтгач у кўрмагандай бўлиб кетди. Энди мактабни аъло баҳолар билан битириб, олима ёки яхши мусиқачи бўлиш бахтига мушарраф бўлди. Бундай хурсандчиликни бизга насиб айлаган Ш.Ҳамраев, З.Ғиёсов, А.Мўминов сингари қўли енгил шифокорлардан бир умрга миннатдормиз.

М.ЭРОНОВ,
журналист.

СИРДАРЁ ЁШЛАРИ АҲДИ

Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицейда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастур ва Низоми лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

«Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Шуҳрат Муҳаммадиев бу борада «Туркистон-пресс» мухбирига қуйидагиларни айтди.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Дастур ва Низоми муҳокамасига бағишланган йиғилишларнинг асосий мақсади аввалги жамғарма қайси сабабларга кўра, чинакам умумхалқ ҳаракатига айлана олмаганлигини очиб беришдан ҳамда янги ташкилотнинг вазифаларини белгилашдан иборат. Номланиши бир хил бўлгани билан янги ташкилот Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, илгариги жамғармадан тубдан фарқ қилади ва ёшларни Ўзбекистоннинг келажакдаги буюк давлат бўлиши йўлида ҳақиқий фаолликка бошлайдиган ҳаракатга айланади.

Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати XXI асрда яшайдиган авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан етук қатламини вояга етказишга хизмат қилади, - деди Ш.Муҳаммадиев.

Йиғилишда вилоятдаги мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари талабалари ва бошқа табақадаги ёшлар, ёшлар билан бевосита ишлайдиган ташкилот раҳбарлари, маънавият ва маърифат маркази вилоят ва туман бўлими ходимлари, «Камолот» жамғармаси туман, шаҳар ва жамоатчилик Маркази ходимлари иштирок этдилар.

Масала кўндаланг қўйилади

ОРТИҚЧА, АСОССИЗ ТЕКШИРУВ ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Эркин иқтисодий тараққиётга фақат қонун устуворлигини таъминлабгина эришиш мумкин. Айниқса, эндигина оёққа тураётган, мамлакат равнақига сезиларли улуш қўшаётган тадбиркорлик соҳасида бу нарса ниҳоятда муҳимдир. Тадбиркорлар фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашиш, унинг манфаатларига зид хатти-ҳаракатлар қилиш қонун билан таъқиқланади. Ҳалол тадбиркор ҳамиша қонун ҳимоясидадир. Мухбиримиз Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Кўчқор TOFAEB билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Кўчқор ака, баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли тадбиркорлар манфаатига зарар етказилаётгани сир эмас. Бу нарсага адлия идоралари қандай муносабатда бўлмоқдалар?

— Афсуски, тадбиркорлар мансабдорларнинг тазйиқига, тўсқинлигига учраётган ҳоллар кўзга ташланиб туради. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида мазкур ҳолларга кўп дуч келинмоқда. Бунинг сабаблари айрим раҳбарлар қонунларни яхши билмаслиги, ўз ваколат доирасидан чиқиб кетишига бориб тақалади. Масалан, Гўзалкент тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси F.Тўраевнинг айби билан шу ҳудуддаги «Омад-Ш» фермер хўжалигига тегишли 4 гектар ер майдони жамоа хўжалигида ишловчи пудратчиларга шартнома асосида бериб юборилган. Оқибатда адлия бошқармаси томонидан даъво қўзғатилиб, мазкур фермер хўжалигига етказилган 30672 сўм моддий, шунингдек, 150000 сўм маънавий зарар суд қарори билан ундириб берилди, ер қонуний эгасига қайтарилди. Шундай ҳол Пастдарғом туманидаги «Пастдарғом» ширкат хўжалигида ҳам содир этилган. Хўжалик раиси М.Юсупов туман ҳокими қарорини тан олмасдан «Дўстмурод» фермер хўжалигига 10 гектар ерни ажратиб беришни пайсалга солиб келган. Оқибатда у ҳам тадбиркорга моддий ва маънавий зарарни тўлашга мажбур бўлди. Бундай мисоллар кўп. Бошқармага мурожаат қилган тадбиркорларнинг қонуний талаблари ижобий ҳал этиб берилмоқда.

— Қишлоқ тадбиркорлари ўзлари етиштириб берган маҳсулот учун вақтида ҳақ ололмаётган ҳоллар ҳам учрайди...

— Бу энг оғриқли нуқталардан бири. Баъзи жамоа хўжаликлари билан шартнома тузиб ишлаётган пудратчилар панд ейишмоқда. Етиштирилган маҳсулот учун пудратчиларга ҳақ ундириб бериш тўғрисида ўтган йил мобайнида адлия бошқармаси томонидан судларга 112 та даъво аризалари киритилди. Бу масалада, айниқса, Нарпай, Пахтачи туманларида аҳвол оғир. Оқдарёда 28 та, Нарпайда 19 та, Пахтачида эса 13 та ана шу каби ҳоллар қайд этилди. Ўтган даврда вилоят бўйича пудратчи ғаллакорларнинг қарийб 10 миллион сўм ҳақлари ундириб берилди. Президентимизнинг «Деҳқон ўз меҳнатидан етарли манфаатдор бўлмагунча қишлоқ хўжалигида тараққиёт сустлигича қолаверади», - деган ўгитини асло унутмаслик керак.

Яна бир гап. Ўзаро ҳисоб-китобларда тартиб-интизом йўқлиги, яъни шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ҳам тадбиркорларни анча қийнаб юбораяпти. Челак туманидаги «Камолот» фермер хўжалиги Охунбобоев номли жамоа хўжалигига пахта ва буғдой топширган. Бу борада шартнома мавжуд ва у қонуний тарзда расмийлаштирилган. Аммо жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳақ тўлашни пайсалга солишган. Худди шу каби Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалиги «Худойберди ҳожи бобо» фермер хўжалигига етказиб берилган техника эҳтиёт қисмлари учун, Челак туманидаги «Каттатурк» жамоа хўжалиги «Фирдавс» фермер хўжалигига дон учун, Пахтачи туманидаги «Зарафшон» хўжалиги «Қоранайман» фермер хўжалигига маҳсулоти учун ўз вақтида тўламаган ҳақлар ундириб берилди. Тегишли маблағини вақтида ололмаган тадбиркор ўз ишини ривожлантириш имкониятидан маҳрум бўлади. Ҳамма муаммоларнинг, иллатларнинг илдизи, менимча, ана шундадир.

— Ортиқча ва асоссиз текширувлар тадбиркорларнинг қўлини ишдан совутиб қўймаяптими?

— Бу жуда мураккаб жараён. Қарс икки қўлдан, деган нақл бор халқимизда. Тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам бирдек ҳалол ишламаётгани каби, текширувчилар ҳам уларга нисбатан ҳамиша холис муносабатда бўлаяптилар, деёлмаймиз. Қонунни бузмаган шахс ҳамиша қонун ҳимоясида бўлиши кафолатланган. Ўтган даврда Каттақўрғон туманидаги «Соҳиба» фермер хўжалиги раиси М.Нурматовга, Ургут туманидаги «Бирлик» хусусий фирмаси директори Г.Мажидовга нисбатан асоссиз қўлланилган айбловлар бекор қилинди. Шунингдек, адлия бошқармасининг аралашуви билан ўнлаб тадбиркорлар асоссиз солинган жарималардан халос бўлдилар. Бундай ҳол вужудга келишининг сабаби эса тадбиркорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини пухта билмасликларидандир. Текшириш тартиби бузилган ўнлаб ҳолатлар вилоят адлия бошқармаси ҳамда текширувларни мувофиқлаштириш кенгаши томонидан аниқланиб, бунда айбдор бўлган масъул ходимлар ва мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

— Менимча, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий саводини ошириш керак. Бунга тадбиркорларнинг ўзлари интилишлари лозим. Абу Абдулло Рудакий «Агар ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим», - деб бежиз айтмаганку! Қисқаси, тадбиркорликка қўл урган ҳар бир кимса Ўзбекистон Конституциясидан бошлаб тадбиркорликка оид барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Президентимизнинг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони талабларини мукаммал билиши шарт. Текширувчининг шахси, мақсади, ҳужжати билан танишиб, уларни тегишли тарзда қайд этиш зарур. Шу мақсадда биз вилоят адлия бошқармасида «Ишонч телефони» ташкил қилдик. Жойларда оммавий ахборот воситалари орқали сиртқи ҳуқуқий ўқувлар уюштирилмоқда.

Хуллас, ўтган йили фуқароларнинг 222 та мурожаатлари асосида текширувлар ўтказилиб, аксарият ҳолларда тадбиркорларнинг талаби қондирилди ёки уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шуни унутмаслик лозимки, қонуний бурч ва ҳуқуқ доирасида фаолият кўрсатаётган фуқаро бундан буён ҳам ҳамиша қонун ҳимоясида бўлади.

Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

Оила ва қонун

ЭР ВА ХОТИННИНГ ФАМИЛИЯ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ

Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотининнинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди.

(20-модда.)

1. Фамилия танлаш ҳуқуқи — эр ва хотинга тегишли бўлган муҳим шахсий ҳуқуқ ҳисобланади. Никоҳга кирувчиларга ўзаро келишиб фамилия танлаш ҳуқуқи берилади. Улар никоҳгача бўлган ўз фамилияларини сақлаш ҳуқуқига эга бўлганларидек, эр-хотин ўз хоҳиши билан бирининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Фамилия танлаш эр-хотиннинг ҳар бирининг шахсий иши бўлиб, бу масала бошқа шахсларнинг аралашувисиз фақат уларнинг ўзи томонидан ҳал қилиниши лозим. Фамилия масаласини ҳал қилиш бошқа ҳуқуқлардан воз кечиш ҳисобига ҳал қилиниши мумкин эмас.

2. Эр-хотиннинг фамилия танлаш масаласи никоҳни қайд этиш вақтида ҳал қилиниши лозим. Эр-хотиндан бири кейинчалик фамилиясини ўзгартириб умумий фамилия қабул қилмоқчи бўлса, уни фамилияларни ўзгартириш учун белгиланган умумий қоидаларга риоя қилиб ўзгартириши мумкин.

Никоҳга ўтувчиларга уларнинг фамилия танлаш ҳуқуқларини тушунтириб бериш никоҳни қайд этувчи мансабдор шахснинг вазифаси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг қонунчилик тажрибасида эр-хотиннинг иккита фамилияда, яъни эр ва хотиннинг қўшма фамилиясида бўлиши ҳоллари ҳам бор.

Бироқ қўш фамилия унча тушунарли бўлмаганлиги ва ноқулайлиги, бундай фамилияни, айниқса туғилиш, никоҳ, ўлимни қайд этиш вақтида ёзиш қийинлиги, бунинг устига, қўш фамилия оммалашмаганлигини ҳисобга олиб, бу тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикр ҳам мавжуд.

Республика ҳудудида никоҳни қайд этувчи мансабдор шахслар эр-хотиннинг қўш фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаб олмайдилар, чунки амалдаги қонунда бундай қоида мавжуд эмас.

3. Эр-хотин никоҳга киришда фамилияни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлганидан никоҳ давомида ҳам фамилия масаласини ҳал қилишда мустақил ҳуқуққа эгадир. Никоҳ давомида эр-хотиндан бири ўз фамилиясини ўзгартириши иккинчисининг ҳам фамилиясини ўзгартиришга мажбур қилмайди. Бундай ҳолда масала фамилия эгаси томонидан оила ва шахсий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, мустақил ҳал қилинади. Ҳатто никоҳдан ажратиш вақтида ҳам эр-хотиннинг фамилияси ҳар бирининг шахсий талабига асосан ўзгартирилиши мумкин.

Бу қоидага асосан, никоҳга кириш вақтида фамилияси умумий фамилия қилиб қабул қилинган эр ёки хотин никоҳдан ажралишда унинг фамилиясини умумий қилиб қабул қилган эр ёки хотиндан никоҳгача бўлган ўз фамилиясини қайта танлашни талаб қила олмайди.

4. Никоҳ ҳақиқий ҳисобланмаган ҳолда никоҳни тузиш вақтида фамилиясини ўзгартирган шахсларнинг никоҳгача бўлган фамилиялари тикланади. Лекин никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳоллар борлигини билмаган шахслар никоҳ тузиш вақтида қабул қилинган фамилияларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар.

(Давоми бор)

БАНДЛИК ДАСТУРИ АМАЛДА

Денов тумани ҳокимлиги, туманлараро прокуратураси, меҳнат бандлик бўлими ташаббуси билан меҳнат бозори ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада туман маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ҳам фаол қатнашдилар.

Меҳнат бозори ярмаркасини туман ҳокими ўринбосари Тоштемир Турдиев очиб, бозорнинг моҳияти хусусида гапирди. Денов туманлараро прокурори Эргаш Менглиев вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари ҳақида маъруза қилди. Меҳнат бозори ярмаркасига тумандаги барча корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, участка нозирлари иштирок этишди.

Ярмаркада ишсиз ёшлар, ишламасдан юрганлар, ҳеч қаерда ўқимайдиганлар яшаш ва турар-жойларига яқин бўлган ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Албатта, иш тайин қилингунга қадар ҳар бир ўғил-қиздан нега бирон жойда ишламаётганлиги ёхуд ўқимаётганлиги, қачон, қаерга иш сўраб мурожаат қилганлиги ҳам батафсил суриштириб кўрилди. Аниқроқ айтганда, у ёки бу ёшнинг ишсизлиги сабаблари аниқланди. Шунингдек, ишсиз ёшларнинг ота-оналаридан ҳам маслаҳат сўралди, уларнинг ҳам фикри, мулоҳазалари тингланди.

Шу куни уч юз нафардан ошиқ йигит-қиз ўзларига муносиб иш билан таъминланди. Дарвоқе, иш билан таъминланганларнинг ўттиз фоизи қизлар эди.

Жарқўрғон тумани Ички ишлар бўлими Давлат автомобил назорати бўлинмаси ходимлари туман ҳудудида йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ходимлар ўзларига бириктирилган автогаражлардан профилактик ишлари ҳамда давлат тасарруфидаги транспорт воситаларининг ишга чиқиш ва ишдан қайтиш олдидан техник ҳолатларини текширувдан ўтказиб келмоқдалар.

Суратда: йўл патрул хизмати инспектори, милиция кичик сержанти Дониёр Қодиров.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

БОЗОР ХЎЖАЙИНИ ПАТТАЧИМИ?

Ўтган йилнинг сўнгги чорагида Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган 33 та бозор фаолияти солиқчилар тарафидан текшириб кўрилганида қатор нуқсонлар юзага қалқиб чиқди.

Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни акциз ёрлиғисиз сотишда давом этаётган қонунбузарлардан 834 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 403 минг сўмлик спиртли ичимликлар мусодара қилиб олинди. Айрим сотувчилар эса нафснинг айтганига юриб, истеъмолга яроқсиз ва баъзи ҳолларда сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишаётган экан. 87 минг сўмлик шу хилдаги маҳсулотлар ҳам эгаларидан олиб қўйилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусан, пахта ёғи ва шу каби бошқа маҳсулотларни ғайриқонуний равишда бозорда сотиб ўтирган Ҳосият Умарова, Гулбаҳор Жумаева, Турдихол Солиева, Феруза Жалиловаларнинг ҳар бирига солиқчилар томонидан 1500 сўмдан, 11 минг 500 сўмгача жарималар солиниб ундириб олинди.

Термиз шаҳридаги марказий бозор бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Т.Абраматов эса Давлат солиқ таянч бўлинмаси ходимларининг бозор ҳудудида текширув ишларини олиб боришларига монеълик қилди. Унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати вилоят «Бозор» очиқ турдаги акциядорлик жамияти фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилиш қарорига асосан Т.Абраматов вазифасидан озод этилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, айрим бозорларда бир марталик патта пули паттачиларнинг ақлини шошириб қўймоқда. Ақли шошса, одам боласи кетма-кет хатога йўл қўяверади. Ёки нафси етаклаган тарафга қараб боши оғиб кетаверади. Жарқўрғон туманидаги мол бозори паттачиси К.Сулаймонов, Олтинсой туманидаги «Миршоди» бозори паттачилари Б.Мўминов, А. Муҳаммадиев, Н.Нормўминовлар ўзларининг шундай кишилар тоифасидан эканликларини иш жараёнида кўрсатишди. Улар паттачилик вазифасидан озод этилдилар.

«Туркистон-пресс».

Сўнгги пушаймон - ўзингга душман

Инсон у ёки бу нарсанинг таъсири ила жиноятга қўл уриши мумкин. Бу ҳол кўпроқ мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар ўртасида кузатилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Яқинда Жондор туман судида ўтган жиноий иш муҳокамасига тўпланганлар тоғни урса талқон қилишга қудрати етгувчи икки норғул йигитнинг ўз қилмишларидан пушаймон эканлигига гувоҳ бўлдилар.

СИМ ЎҒРИЛАРИ

Судланувчилардан бири Жубатханов Синжирбай бўлса, унинг шериги Саитбаев Уразимбетдир. Иккаласи ҳам Ромитан туманида туғилган. Оилали, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари бор. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан машғул бўлиб келган бу «учар» тадбиркорлар айни кунларда Ғазли шаҳрида истиқомат қиладилар. Икки улфат ўтган йилнинг 23 январ куни тушдан кейин Жондор туманига қарашли Чандир чўл массивидан кесиб ўтувчи, «Ўзнефтгазалоқа» бошқармасига қарашли ҳар бир погон метрининг баҳоси 342 сўм 46 тийиндан бўлган алоқа узатгич симидан 400 метрни сотиб фойда кўриш мақсадида ковлаб олиб, яширин тарзда аравага юклаганча уйларига олиб кетаётганларида милиция ходимлари томонидан ушландилар.

Алоқа узатгич симларининг умумий баҳоси 136984 сўм бўлиб уни сотиб, дурустгина даромад кўрмоқчи бўлган ҳамтовоқлар бу жиноий ҳаракатлари билан бошқармага катта миқдорда моддий зарар етказишди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандлари билан жазога тортилдилар.

Суд мажлисида сўроқ қилинганда иккала судланувчи ҳам ўз айбига тўла иқрорлик билдириб, қилган ишларидан пушаймон эканликларини айтишди. Юриш-туриши, ақл-идроки жойида бўлган бу ёшлар бир нотаниш кишининг «Рангли металларинг бўлса, килосига 200 сўмдан бериб сотиб оламан», деган ваъдаларига учиб шу қалтис ишга қўл урган эканлар. Шу ўринда «Ўзнефтгазалоқа» бошқармаси маъмуриятига ҳам эътирозимиз бор. Мазкур воқеадан анча илгари ҳам ушбу участкада симлар йўқолиб қолган. Аммо бошқарма раҳбарияти «Кетса давлатдан кетибди-да», қабилида иш кўриб, бу ҳақда тегишли идораларга хабар қилмаганди. Қарабсизки, ҳийла вақт ўтгач яна ўғирлик содир бўлди.

Мазкур воқеа нопок йўллар билан пул топишга ҳаракат қилган айрим шахслар учун сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

Усмон НАВРЎЗОВ, М.ҲАЙИТОВА.

«Ишонч» фош этади

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Ака-ука Тиркашбой билан Анварбек дўппини бошдан олиб қўйиб, обдан ўйлаб, бойиш режаларини туздилар.

— Сенинг уйингда ароқ ясайдиган цех очсак, — деди Тиркашбой укасига маслаҳат солиб. — Қарабсанки, бир пастда қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

— Қандай бўларкин, ака, миси чиқиб қолмасмикин?

— Сени қара, шунча одам қилиб юрибди-ку бу ишни. Сен билан бизга келганда гап-сўз чиқадими? Ҳо, менга қара, «чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди».

Шундай қилиб ака-укалар Яккабоғ туманидаги Дўстлик кўчасининг 22-хонадонида қўлбола ароқ тайёрлайдиган цех очиб олдилар. Бу ароқ дегани «оқар дарё» экан. Одамлар унинг на сифатини, на қандай хомашёдан тайёрланганини суриштиришади. Давлат дўконларининкидан бироз арзон бўлса бўлгани. Ароқфурушлар бир пасда тумандаги пулдорлар қаторидан ўрин олиб, қадам ташлашлари ҳам ўзгариб қолди.

Ясама цех ҳақидаги мишмишлар вилоят солиқ бошқармаси тезкор гуруҳининг қулоғига етди. Улар «отни қамчилаб» етиб келишди. Буни қарангки, ароқфурушлар Зокир Жабборов деган шахсга 100 дона қалбаки акциз маркали «Шаҳрисабз ароғи»нинг ҳар бирини 525 сўмдан пуллаб 52500 сўмни шарақлатиб санаб олишаётган экан.

Тиркашбой ва Анварбек Омоновларга тегишли 0,5 литрли 100 дона ароқ, 20 литр спирт, 2360 дона ароқ ёрлиқлари, 6100 та акциз маркалари, қанчадан-қанча шиша идишлар, елим қопқоқлар, ароқ ясаш учун ишлатиладиган турли асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олинди.

Қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 176,186,189-моддаларининг тегишли қисмлари асосида жиноят иши қўзғатилди.

ЭСКИ КАСАЛ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида харидорлар билан ҳисоб-китоб ишлари назорат-касса машиналари ёрдамида юритилади. Шу боис ҳам уларнинг деярли ҳаммасида неча-неча минг сўмлар сарфлаб НКМлар ўрнатилган.

Хўш, улар ишлатилаяптими? Ҳа, фақат зарур пайтларда, аниқроғи — текширувчилар келишганда.

Солиқ тизими ходимлари Қарши шаҳри Насаф кўчасидаги АЁҚШни кўздан кечиришганда, бу ердаги «Самсунг» назорат-касса машинаси фақат савлат учун қўйилганлиги маълум бўлди. Кузатилган соатларда тушган 255080 сўм нақд пулнинг бирор сўми ҳам кассадан ўтказилмади.

«Чори-С» хусусий фирмасининг Бешкент йўлида жойлашган 2-АЁҚШда текшириш ўтказилганда харидорга олган ёқилғиси учун чек уриб берилмагани устига, 188 литр бензин ортиқча эканлиги ҳам аниқланди.

Бензинфурушлар юқоридаги синалган усуллардан сира воз кечолмаяптилар, зотан киссаларини ҳаром пулга тўлдираётган ана шу синалган усуллар-да!

БИЛМАДИМ... ДЕЯ ҚУТУЛМОҚЧИ БЎЛАДИ

Шаҳрисабз туман солиқ инспекцияси нозирлари республика Вазирлар Маҳкамасининг савдо ташкилотлари фаолиятига оид бир қатор қарорлари ижроси бўйича текшириш ўтказганларида турли қонунбузарликларга дуч келдилар. Бир дўконда муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаётган бўлса, иккинчисида лозим бўлган 8 хил маҳсулотнинг йўқлиги, учинчисида эса харидор ҳақига хиёнат қилиш ҳолатларига дуч келинди.

«Суннатилло» хусусий фирмаси дўконида сотувчилар билан нозирлар ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтди.

— Мана бу 87 та идишдаги турли хил спиртли ичимликлар қаёқдан олинган, ҳужжатлари қани?

— Ҳужжатлари йўқ, бизга келтириб беришганини сотаяпмиз.

— Мана бу, умумий баҳоси 39 минг сўм бўлган 81 қути тамакининг ҳужжатини кўрсатинг?

— Айтдим-ку, ҳужжат-пужжат йўқ деб.

— У ҳолда сизларга ким ҳуқуқ берди ноқонуний савдо қилишга...

Қизиқ, хусусий фирма ҳеч қандай қонун-қоидага итоат этмайдими?

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.

САОДАТ ОПА КУЙЛАГАНДА

Севимли санъаткоримиз Саодат Кобулованинг 75 йиллик таваллуд куни билан муборакбод этгани хонадонларига отланар эканман, қулоқларим остида Саодат опанинг дилга яқин қўшиклари — «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз», «Оқ каптар», «Алла» эшитилгандай бўлди. Тасаввуримда яқинлашиб келаётган эрта кўкламнинг ёқимли манзараси бўй кўрсатди.

Қир-адирларда гуркираб очилган лолаларга, оқ, қирмизи, пуштиранг бўлиб гуллаган дарахтларга кўзинг тушганида, оппоқ қорлари қуёшнинг қайноқ тафтида эриб тоғ ёнбағирларидан жилдираб оқаётган ирмоқларнинг шилдир-шилдир товушига, гоҳ ўзанидан тошиб, катта харсангларни оқизиб, ўз қудратини, айни дамда, бетакрор чиройини кўз-кўз этаётган дарё тўлқинларининг сасига қулоқ солганингда, ана шу тўлқинлар мисоли қалбингнинг бир кўтарилиши, фавқулодда бир кенгайиб кетишидан беихтиёр энтикиб кетасан. Дилга ором берувчи, кўнгилда майин ҳисларни уйғотувчи гўзал қўшиқ ҳам худди дарёларда ўйноқлаб оқаётган зилол сувнинг ёқимли куйи каби ақлни шошириб, қалбингни тошириб ўзига мафтун этади.

Қўшиқ аслида сеҳрли дунёнинг сирларидан биридир. Айтишларича, агар хонанда юрак қўрини қўшиб ашула айтса, бу қўшиқнинг умри боқий бўлармиш. Биласизми, Саодат Қобулова ижросидаги «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз» қўшиғининг деярли ярим асрга тенг умри бор. Лирик куй ва жозибали шеър мисралари қўшилиб яхлит асар бунёд этилгану, қўшиқнинг умри боқий бўлган экан. Бунда ўзининг ёшлик тароватини, гўзалликка ошнолигини қўшиққа жо эта олган хонанданинг хизматлари беқиёсдир. Шу боис, миллий оҳанглар жўрлигида, ширалик, жарангдор овоз билан, юрак қўри қўшилиб айтилган бу нодир ашула ҳамон халқ дилидан, тилидан тушмай қолди.

Бу нодир қўшиқ ҳақида гап кетганида хонанда «...Шоиру композитор ҳам, хонанда ҳам яратилаётган қўшиққа юрагининг бир парчасини қўшмас экан, у қўшиқни халқ севиб қолиши даргумон», - деб қўйдилар. Шунда биз С.Қобуловонинг хуш овози экранда ҳам янграб келаётганини эслатдик. Зеро, қўшиқнинг кинода ўз ўринни топиши шоир, композитор, хонандадан ташқари режиссёрнинг малакаси, мусиқа саводи, билимига ҳам боғлиқ.

Ўзбек кинематографиясининг шоҳ асари — «Тоҳир ва Зуҳра» филмида Зуҳра — Ю.Ризаеванинг қўшиқларини куйлаган Саодат Қобулова ўшанда эндигина ўн етти баҳорни қаршилаган кезлари эди. Ўша даврнинг етук, эл севган хонандаларидан кўра, санъат остонасига эндигина қадам қўяётган, ҳали болалик беғуборлигини йўқотмаган, самимийлиги, гўзаллиги билан Юлдузхонга ҳам ўхшаб кетадиган бу қизчанинг ашуласи кўпроқ режиссёрни ўзига мафтун этди. Эҳтимол, Зуҳранинг янгроқ овози қўшиғида ҳам сезилиб туришини истаганиданми ёки ҳали муҳаббат ёшида бўлган қиз севган, севилган Зуҳра-Юлдузнинг ҳолатини ўз қўшиғи орқали бера олаётганидан кўнгли тўлганиданми, ҳар қалай уста санъаткор Наби Ғаниев танлаган хонанданинг қўшиқлари туфайли ҳам «Тоҳир ва Зуҳра» филми жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларида нодир санъат асари сифатида баҳоланиб келаётган бўлса не ажаб.

Сиз кутган учрашув

...Хотиралар қучоғида Саодат опа хиргойи қила бошлайдилар:

Отмагай тонг боғ аро
минг хиромон бўлмаса,
Булбули шайдолари
гулшанда нолон бўлмаса.
Қайдин ишқ ўтиға даво
айласин парвоналар,
Парпираб бағрин
ёқувчи шамъи жонон бўлмаса.
Не қилай бу жонники,
йўлингда қурбон бўлмаса.

Сирли, сеҳрли, ўз хонандасининг ҳам, тингловчисининг ҳам кўнглига гўё қўшиқларни айтишимни сўрашади. Дард бор уларнинг сўзида, оҳангида. Йиллар ўтса ҳам ҳечам эскирмайди, шунинг учун ҳам мумтоз деймиз уларни.

Бир-биридан гўзал қўшиқлар. Уларнинг ҳар бир сатрини ҳам, мусиқасини ҳам, оҳангини ҳам ёдда олиб қолишга уринасан. Ўз-ўзидан хонандага жўр бўласан, такрор-такрор тинглайсан, тўймайсан.

Пианино клавишлари яна бир мумтоз қўшиқ оҳангини эслата бошлайди. «Алла»! Режиссёр З.Собитов суратга олган, ранг-баранг қўшиқлари билан шуҳрат қозонган филмнинг тасмага тушириш дақиқалари тилга олинади.

— «Қўшиқ аслида алла эмас эди, дирижёр Ф.Шамсуддиновнинг маслаҳати билан аллага айланган. Мен севиб айтадиган қўшиқларимдан бири. Оркестрга мосланган мусиқага танбур, дутор каби миллий чолғу асбобларини мослаштириб кўришгандан кейин ашула янада жозиба касб этди. Филмнинг бадиий тўқимасига ҳам жуда сингиб кетган...»

«Алла»ни тинглар экансиз, қўшиқ қалбингизга сизиб кираётгандек, нозик дил торларини тебратаётгандек... Ашула авжига кўтарилгани сайин вужудингизда кўтаринкиликни ҳис этасиз, кўзларингизда ёш ҳалқаланади.

Бу дунёда сени севдим
Сендан бошқа қуёш йўқ менда, алла.
Сендан бошқа ёр бўйнига
Тушар билак йўқ менда, алла...
Баҳор келиб, қор кетмаса, алла,
Гул очилиб, яшнамас, алла.
Ҳеч ким мендек сенинг зоринг,
Ғаминг билан ошномас, алла-ё, алла...

Қўшиқнинг сўнгги мисралари янграётганида қош қорайиб қолган эди. Гўзал шаҳримизга тун ўз ниқобини ташлаган бу дақиқаларда Саодат опамизнинг «алла»лари сирли бир маъно кашф этаётгандек эди. Қўшиқ гўё азим шаҳарга, тенги йўқ элимизга бағишлангандек, майин, айни вақтда улуғвор янграб турарди...

Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА,
Санъатшунослик институтининг илмий ходими.

Болаларга кичик ёшиданоқ касб-ҳунар сирларини ўргатиш ҳозирги давр таълим жараёнининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Шу боис Тошкент шаҳар, А.Икромов туманидаги 287-мактабда меҳнат дарслари, яъни ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор берилади. Бу борада мазкур мактаб ўқитувчиси Барно Гадоеванинг иш тажрибаси ибратлидир. У дарсларни энг замонавий даражада ташкил қилиб, болаларга касб сирлари асосини пухта ўргатишга интилмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ДАСТУРХОНИМИЗГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

«Нукус-нон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли А.Шониязов раҳбарлигидаги «Иссиқ-нон» цехи жамоаси халқимизни сифатли нон ва макарон маҳсулотлари билан таъминлашда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Цех жамоаси томонидан ўтган йили 192 минг килограмм нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 20 миллион сўм даромад қилинди. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган цехда ҳар куни 250-300 килограмм маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, Нукус шаҳрида сотилмоқда.

МАҲАЛЛА МАДАНИЯТ ГУЗАРИ

Республикамизда илк бор Жиззах вилоятида «Маҳалла маданият гузари» ташкил этилди.

— Ватан — маҳалладан бошланади. Маҳаллалар обод ва тинч бўлса, халқнинг маданияти, маънавияти ривожланса, демак, Ватан ободдир, - деди Халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубиёт маркази бўлим мудири Муҳаммаджон Қозоқов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги маҳалла гузарларини маданият, маърифат масканларига айлантиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Илк бор тажриба тариқасида Жиззах шаҳрининг Раваллиқ маҳалла гузари маданият гузарига айлантирилди.

Маданият гузарида энди маҳалланинг ёшу қариси бўш вақтларини мазмунли ўтказа оладилар. Чунки, бу гўшада ҳунармандчилик, косиблик, нонвойлик, қандолатчилик, бичиш-тикиш каби ўнлаб ҳунарлар билан биргаликда ашула, рақс ва бошқа санъат турларини ўргатувчи тўгараклар ўз фаолиятларини бошладилар.

Шу билан бирга гузарда маҳалла аҳлига маиший хизмат кўрсатувчи масканлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла ёшларини иш билан таъминлаш мақсадида яқин кунларда турли хил кичик корхоналар ҳам ишга туширилади. Шунингдек, маҳалла ёшлар ташкилоти ҳам ёшлар билан гузарда биргаликда иш олиб борадиган бўлишди.

САҲНАДА — «БЕҲБУДИЙ»

Самарқанднинг Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театри ижодий жамоаси маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан «Беҳбудий» драмасини саҳналаштирди.

Маҳаллий драматург Бурхон Исломов қаламига мансуб ушбу драманинг тақдимот маросимида қатнашган санъатшунослар ва томошабинлар унга юксак баҳо беришди.

Вилоятнинг Каттақўрғон туманидаги Абдулҳамид Мажидий номидаги драма театрида ҳам янги спектакл саҳна юзини кўрди. Драматург Ҳ.Низомиддиновнинг «Зумраша» асарини иқтидорли режиссёр Р.Ёриев муваффақият билан саҳналаштирди.

«Туркистон-пресс».

Мулоҳаза

Автобус бекатида анча одам йиғилиб қолган. Аммо улар орасидаги элликларга бориб қолган аёл диққатимни тортди. У нимадандир безовта, у ёқдан бу ёққа тинимсиз юрарди. Аксига олиб, автобус ҳам ҳадеганда келавермади. Ноилож қолган аёл ўтган-кетган машинага қўл кўтара бошлади. Аммо биронтаси ҳам тўхтамади. Ниҳоят, автобус келди. Чиқдик. Бўш ўриндиқлардан бирига бориб ўтирдим. Ҳалиги аёл ҳам ёнимга келиб ўтирди. Бироз юргач, азбаройи юраги тўлиб кетганидан ўзи оҳиста гап бошлади:

— Қизимнинг олдига кетаяпман, синглим. Беш қиз ўстириб, бунақа азоблар тушмаганди бошимга. Олтинчисини турмушга бердиму ҳаловатим йўқолди. Уч йилдан бери кўрсатмаган дўхтиримиз қолмади. Шу йиллар ичида ўзи ҳам озиб, чўп бўлиб қолди. Шўрлик энди ҳомиладор бўлдим, дейди-ю, беш-олти ой ўтгач... Икки марта ҳам шундай ҳол рўй берди. Дўхтирлар

ЎҒЛИНГИЗ ВОЯГА ЕТДИ...

бола туғилса-да, ногирон туғилиши мумкин деб кеча учинчи фарзандини ҳам операция йўли билан олиб ташлашди. Қизимнинг аҳволи эса анча оғир. Айтишларича, ҳамма айб куёвимда, у гиёҳванд истеъмол қиларкан...

Аёл кўзига ёш олди. Бошига тушган бу мусибатдан энди қизини ажратибгина қутилиши мумкинлигини айтди.

Бу суҳбатнинг бўлиб ўтганига бир йилдан ошди. Бироқ маҳзун қиёфали бу аёл, унинг дардли сўзлари бот-бот хаёлимда чарх ураверади.

Баъзан ўйлаб қоламан. Яқин-яқингача ҳам ота-оналаримиз қизларига совчи келса, йигит армияда хизмат қилганми, йўқми, деб сўрашарди. Кейин унинг касб-кори, ҳунари билан қизиқишарди. Ва ниҳоят, ота-онаси ҳақидаги маълумотлар билан танишарди. Ҳозир-чи? Уй-жойи, тагида машинаси бўлса, ота-онаси бой-бадавлат яшаса, шунинг ўзи кифоя. Ахир, қизларнинг бахтли яшаб кетишлари биргина моддий бойликка боғлиқ эмас-ку! Ота-оналаримиз «Ўғлингиз ҳарбий хизматни ўтаганми?» деган саволни бежиз бермаганлар. Чунки соғлом йигитларгина хизматга лаёқатлидирлар.

Соғлом онадан соғлом бола дунёга келади, деб аёллар саломатлиги тўғрисида қайғуряпмизу, аммо эркакларни унутиб қўймаяпмизмикан? Балки уларни ҳам тез-тез шифокор назоратидан ўтказиб туриш керакдир? Маълумки, «Соғлом авлод дастури» бандларидан бирида никоҳдан олдин йигит-қизнинг тиббиёт кўригидан ўтиши шарт қилиб қўйилган. Бироқ баъзи ҳолларда бу масалада ҳам танишбилишчилик қилинмоқда. Бўлажак келин-куёвнинг соғлиғи чуқур текширилмаяпти. Айниқса, йигитларники...

Шу ўринда баъзи бир мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчи эдим. Маҳаллада, кўча-кўйда ўспиринлар тўп-тўп бўлиб, бекорчиликдан сигарет чекиб ўтирганига кўп бор дуч келамиз. Мактаб ўқувчилари ҳам танаффус пайтида ана шундай «машғулот» билан банд бўладилар. Хўш, маҳалла-кўй, ота-оналар, ҳурматли устозларимиз уларнинг бу ишларини кўрмайдиларми? Кўрадилар. Фақат кўрмаганликка оладилар. Афсуски, ана шу лоқайдлигимиз кўплаб фарзандларнинг носоғлом, айрим нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлаяпти. Шундай эмасми?

Омона ХОЛИҚОВА,
Қуйи Чирчиқ тумани.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номли 16-ўрта умумтаълим мактабида «Олимпиада умидлари - 2001» спорт мусобақаларининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Мазкур босқичда ўқувчилар спортнинг бокс, волейбол, футбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат, енгил атлетика турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Мусобақалар икки турда ўтказилди. Биринчи турда 5-7, кейинги турда эса 8-11-синфлар ўқувчилари қатнашдилар. Умумий ҳисобда 7-А, 7-В, 7-Г ҳамда 8-Г, 9-Б, 11-А синф ўқувчилари ғолиб деб топилиб, туман миқёсидаги баҳсларда иштирок этиш учун йўлланма олдилар. Мусобақаларда Д.Калонов, Ё.Жамолов, Ш.Тоҳиров, Ш.Туропов, Ҳ.Жамолов, Д.Шодиева, Л.Ортиқова, Д.Насриддинова каби ўқувчилар айниқса яхши иштирок этдилар.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Туркона даволар

ЙЎТАЛ ҚОЛДИРИШНИНГ ТАБИИЙ ВОСИТАЛАРИ

Об-хавонинг ўзгариб туриши инсон организмига ўз таъсирини ўтказади. Бу эса кишиларда енгил шамоллаш, тумов, гриппга мойиллик уйғотади. Шунингдек, хавонинг авзойига қараб гох калин, гох енгил кийиниш ёхуд арзимаган елвизак сабаб, гохо бирор бемор билан мулокотда бўлиш ҳам юқоридаги касалликларга олиб келиши мумкин.

Тўғриси, ўрта осиёликлар унча-мунча касалликни дард ўрнида кўришмайди: аксириб, ҳатто йўталсалар ҳам ўзларига эътибор бермайдилар ва тумовни кўпинча оёқда ўтказадилар.

Тумов - юқори нафас йўлларининг шамоллаши, яллиғланиши билан боғлиқ бўлган касаллик. Бу дардга учраган киши дастлаб акса уради, томоғи қирилиб, бурни оқади, боши оғрийди. Шунингдек, муртак безлари қизариб, кўз атрофида оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. Тумовда ҳам гриппда бўлгани каби кишининг мадори қуриб, ҳолсизланади, иштаҳа йўқолиб, уйқу қочади.

Шу боис, киши ўзини бетоб ва беҳол сезса, зудлик билан шифокорга мурожаат этиши лозим. Ҳозирги замон фармацевтикасида турли-туман самарали кимё-терапевтик дори-дармонлар, антибиотиклар, сульфаниламид препаратлар, алкалоид ҳосилаларидан ташкил топган доривор воситалар мавжуд. Улардан беморнинг ёши, ҳолати ва касалликнинг даражасига қараб, барча шароитларни инобатга олган ҳолда, қолаверса, врач тавсиясига биноан фойдаланиш лозим. Борди-ю юқорида зикр этилган дори-дармонлардан ўзбошимчалик билан истеъмол қилинса, хунук оқибатларга олиб келиши, жумладан, киши аъзоларида тош ҳосил бўлиши, жигарнинг озор топиши, баданга тошмалар тошиши каби нохушликлар келиб чиқиши мумкин.

Баъзи одамлар беозор туркона даволарни хуш кўради. Бунда ҳам меъёрни сақлаган маъқул. Масалан, беморни қийнайдиган изтиробли йўтални қолдиришда қайноқ сутни ёки сутга бир чимдим ичимлик содаси солиб истеъмол қилиш таскин берувчи восита ҳисобланади. Орасига думба қўйиб ошда пиширилган беҳи ёхуд қасқонда пиширилган шолғом йўталга ишончли даво ҳисобланади. Шивит (укроп) уруғларидан тайёрланган дамлама балғам кўчишига ёрдам беради. Бунинг учун бир чой қошиқ миқдоридаги шивит уруғи ярим чойнак қайноқ сув солиб дамланади. Дамлама ўз тафти билан совугач, докада сузилиб, кунига бир ош қошиқдан уч-тўрт марта ичилади.

Мабодо, қайноқ сутга бир чой қошиқ асал ҳамда сариёғ қўшиб ичилса, томоқни юмшатиб, беморга таскин беради. Чилонжийда, анжир, нок қоқиларидан тайёрланган қайнатма (компот) йўтални қолдиради. Бунда, шунингдек, гулхайри илдизларидан тайёрланадиган дамлама ҳам яхши натижа беради. Одатда гулхайрининг майдаланган илдизларидан 4 чой қошиқ миқдорида олиб, бир чойнак (400 грамм) қайнатиб совутилган сув билан 8 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра шарбатидан ярим пиёладан кунига 3 марта истеъмол қилинади.

Кўкрак оғриғи, йўталдан қутилишда чучукмия илдизидан тайёрланган қайнатманинг ҳам нафи каттадир. Бунинг учун ярим чойнак (200 грамм) сувга бир ош қошиқ миқдорида майдаланган чучукмия илдизи солиниб, 10 минут давомида қайнатилади ва ўз тафти билан совутилади. Сузиб олинган шарбатдан кунига бир ош қошиқдан 4 маҳал истеъмол қилинади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6